

Қувайтда «Қуръон 24 миллий мусобақаси» бўлиб ўтмоқда



20:43 / 27.08.2021 1541

Қувайт жамғармасининг хабар беришича, мамлакатда Қуръонни ёд олиш ва қироат қилиш бўйича 24 миллий мусобақа бўлиб ўтмоқда.

Қувайт жамғармаси бош котиби ўринбосари Мансур Ас-Сакаби бу мусобақалар Қувайт фондининг Қуръон ва Қуръон илмларини ўрганиш махсус хайрия жамғармаси томонидан ташкил этилганини эълон қилди. Бу ҳақда Al Jarida веб сайти хабар берди.

Ас-Сакабийнинг айтишича, мусобақани ташкил этишдан мақсад, қувайтлик болаларни Қуръонни ёд олишга ва ўқишга рағбатлантириш, шунингдек, халқаро доираларда намойиш этадиган янги қори ва ҳофиз авлодларни тарбиялашдир.

Қувайт жамғармаси вакили ташкилот котибиятида ўтказилган матбуот анжуманида мусобақа Қувайт амири ҳомийлигида ўтказилишини маълум қилган.

Қувайт масжидида эркаклар ва аёллар ўртасида ўтказиладиган икки ҳафталик мусобақанинг охирги босқичи октябрь ойида бошланади. Шундан сўнг мусобақа натижалари ва ғолиблари эълон қилинади.

Танловнинг бош координатори ва Қувайт Вақф жамғармасининг хайрия ишлари бўйича бошлиғи Мариб Ал-Ёқуб шундай деди: «Бу танловда 40 нафар иштирокчилар ҳамда ўндан ортиқ хайрия ва расмий ташкилотлар иштирок этади. Мусобақа расмийлари ҳар йили буюртма бўйича баҳоланадиган ва танланадиган муассасалар ҳамда шахсларга 150 минг динар ажратадилар. Танловда иштирок этадиган муассасалар орасида танловнинг аниқ стандартлари, қоидалари ва шартларига мувофиқ биринчи учта мувофиқлаштирувчи ташкилотга мукофотлар топширилади.

Манба: Al Jarida